

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

ТОШКЕНТ КИМЁ -ТЕХНОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ

**АВТОМАТЛАШТИРИШ ТИЗИМЛАРИНИ ЛОЙИХАЛАШ
АСОСЛАРИ**

фанидан

маърузалар матни

500000 – Мухандислик, ишлов бериш ва қурилиш тармоқлари **билим соҳаси**, 520000 – Мухандислик ва муҳандислик иши **таълим соҳасининг** 5521800 – Автоматлаштириш ва бошқарув (кимё ва озиқ овқат технологияси тармоқлари бўйича) **бакалавриат йўналиши учун**

Тошкент - 2016

1- маъруза: Кириш. Кимё-технология тизимлари ва автоматлаштириш тўғрисида асосий тушунчалар (4 соат).

Маъруза режаси:

1. Кириш;
2. Рейтинг тизими тўғрисида;
3. Кимё-технология тизимлари ва автоматлаштириш тўғрисида асосий тушунчалар;
3. Замоनावий бошқариш тизимларини таснифи;
4. Автоматлаштириш техник тизимининг ҳаётий фаолият даври;
 - ғоя;
 - лойиҳалаш;
 - монтаж;
 - созлаш;
 - эксплуатация.

КИРИШ

Технологик жараёнларни автоматлаштириш ишлаб чиқариш унумдорлигини оширишнинг материал ва энергиянинг қисқаришнинг маҳсулот сифатини яхшиланиши асосий воситалардан ҳисобланади.


Янги қуриладиган ҳамда реконструкция қилинадиган объектларда замоनावий технологик жараёнларни автоматлаштириш тизимларини жорий қилиниши, уларни самараси ишлаши кўп жихатдан лойиҳа ҳужжатларини расмийлаштирилиши, мазмуни ва таркибига, монтаж ишларини замоनावий усулларда олиб борилишига, автоматлаштириш тизими техник воситаларини ишлатилиш ва созлаш талабларига риоя қилинишига боғлиқ.

Кимё-технология тизимлари ва автоматлаштириш тўғрисида асосий тушунчалар

Кимё технология тизимлари (кегусида технологик тизимлар) деганда, унда кетаётган физик-кимёвий жараёнлар ва уларни амалга оширувчи воситалар биргаликда тушунилади. Шундай қилиб технологик тизимлар жараёни, у кетаётган қурилмани, жараёни назорат ва бошқариш воситаларини ва улар орасидаги ўзаро боғлиқликларни ўз ичига олар экан.

Масалан: реакторда кетаётган бошқариладиган технологик жараёни-технологик тизимлар деб қараш мумкин (1 - расм). Технологик жараёнинг кетиши бўйича ахборот бирламчи ўзгартиргичдан (БЎ) ростлагичга (Р) узатилади, у ўз навбатида технологик параметрнинг шу вақтдаги қийматини белгиланган қийматдан фарқига қараб ростлаш таъсир сигнали ишлаб чиқаради ва ижрочи қурилма (ИК) орқали объектга таъсир кўрсатади.

Ушбу технологик тизим ташқи муҳит билан ўзаро таъсирда бўлгани учун, унинг ҳолатини кириш Х сигналлари орқали баҳолаш мумкин. Кириш сигнали бўлиб одатда хом-ашё, унинг миқдори, таркиби, температураси ва



1 – расм


бошқалар бўлиши мумкин. Чиқиш сигнали бўлиб, тайёр маҳсулот миқдори, унинг сифати, температураси ва бошқалар бўлиши мумкин ва у тизим ҳолатини белгилайди.

Технологик тизимга одатда ҳар хил турткилар Z таъсир кўрсатади ва технологик тизимни белгиланган шароитлардан чиқаради. Бу туртки таъсирларини компенсация қилиш учун, одатда бошқарувчи таъсирлардан фойдаланилади.

Технологик тизим - мураккаб объект ҳисобланиб, уни алоҳида элементларга (подсистема) декомпозициялаш мумкин. Элементлар ўзаро информацион бир-бири билан ва объект атроф муҳити билан боғлиқдир. Бу боғлиқликлар объект тузилишини ташкил этади.

Технологик тизим мўлжалланган мақсадга эришишга йўналтирилган алгоритм бўйича ишлайди. Ҳамма технологик тизимларни шартли равишда катта ва кичик тизимларга бўлиш мумкин.

Кичик тизимлар одатда бир типик жараён билан чекланган бўлиши ҳам мумкин. Катта тизимлар, кичик тизимларнинг мураккаб равишда мужассамланган кўриниши бўлиб, улардан ҳам миқдорий, ҳам сифат кўрсаткичлари бўйича фарқ қилади. Катта кибернетик технологик тизим сифатида кимёвий цехни ёки корхонани мисол қилиш мумкин (2 - расм).



2 – расм. Ишлаб чиқариш корхонасининг иерархик тузилиши

Ҳар қандай ишлаб чиқариш корхонасини уч кетма-кет бажариладиган технологик операция кўринишида тасаввур қилиш мумкин: хом-ашёни тайёрлаш, қайта ишлаш жараёни ва ниҳоят кўзланган сифат ҳамда микдордаги маҳсулотни олиш. Бу операциялар кетма-кетлиги, якка бир мураккаб технологик тизим кўринишида мужассамлангандир.

Замонавий ишлаб чиқариш корхонаси, катта масштабли тизим сифатида, жуда кўп ўзаро бир-бирига бўйсинган кичик тизимлардан, ҳамда бошқариш тизимларидан ташкил топган.

Бошқариш тизимлари таснифи

Замонавий бошқариш тизимлари қуйидаги белгилар бўйича тавсифланади:

1. Бошқариш тизими структураси (тузилмаси) бўйича:

а) бир босқичли (Локал автоматик ростлаш тизимлари ЛАРТ).

б) Иерархик (технологик жараёнлар автоматик бошқариш тизимлари-ТЖАБТ, корхонани автоматик бошқариш тизимлари - КАБТ).

2. Бошқариш тизимининг мураккаблик даражасига қараб:

а) содда тизимлар.

б) мураккаб тизимлар.

в) жуда мураккаб тизимлар.

3. Ишлаш характери бўйича БТ.

а) Детерминлашган.

б) Стахостик.

4. Автоматлаштириш даражасига қараб БТ.


а) Автоматик назорат ва қўлда бошқариш тизимлари.

б) Автоматик бошқаришнинг локал тизимлари.

в) Автоматлаштирилган бошқариш тизимлари.

Ишлаб чиқариш корхонасининг ҳар бир тизимини, бир бутун технологик тизим ва автоматик бошқариш тизими кўринишида тасаввур қилинади.

АБТ қуришнинг самарадорлиги кўп жихатдан локал автоматлаштириш тизимларига боғлиқ. Улар технологик жараёнларни автоматлашган бошқариш тизимларининг **қуйи** иерархиясида жойлашган бўлиб, уларни яратишда юқори иерархия талабларини ҳисобга олиш керак бўлади.



Локал автоматик ростлаш тизимлари ёрдамида технологик параметрлар (температура, босим, сарф сатх ва бошқалар) назорат қилинади, сигналланади ва ростланиб борилади. Бу тизим ёрдамида технологик параметрлар технологик регламентда кўрсатилган номинал қийматларда ушлаб турилади.

Корхона иерархиясининг **иккинчи** - **ўрта** босқичини агрегатлар, комплекслар, цехлар ва технологик жараёнларни автоматик бошқариш тизимлари ташкил қилади.

Юқори интенсив технологик жараёнларни ва юқори қувватли агрегатларни яратилиши ҳамда ишлаб турган корхоналарни оптималлаштириш мақсадида реконструкция қилиниши натижасида янги илмий техник масалалар вужудга келади:

- 1) ишлаб чиқариш корхонаси ва агрегатларни иқтисодий ва энерготехнологик кўрсаткичлар бўйича оптимал шароитларда ишлашини ташкил қилиш;
- 2) агрегатларда моддий ва энергетик оқимларни оптимал ташкил қилиш йўли билан бошқариш функциясини агрегатнинг ўзига бериш, яъни агрегат тузилишини кибернетик ташкил қилиш;
- 3) энерготехнологик тизимларни қўллаш натижасида агрегатларнинг ишончли ишлашини таъминлаш учун бошқарувчи ҳисоблаш машиналарини қўллаш.

Ушбу иерархик босқичда, кичик тизимларни бошқаришда, аппаратлар ишини оптимал координациялаш ва улар орасидаги қувватларни оптимал тақсимлаш масалалари вужудга келади. Бу масалаларни ечишда умуман янги декомпозициялаш ва агрегациялаш усуллари, эвристик моделлаштириш назарияси асосида технологияни таҳлил қилиш, кўп босқичли оптималлаштириш ва бошқа усуллардан фойдаланилади.

Корхона иерархиясининг **учинчи** – **юқори** босқичида цехлар фаолиятини оператив бошқариш тизимлари, ишлаб чиқаришни ташкил қилиш тизимлари, хом-ашёни тақсимланишини режалаштириш, тайёр маҳсулотни тақсимланиши, яъни, корхонани автоматик бошқариш тизими яратилади. Иерархиянинг ушбу босқичида вазиятга қараб таҳлил қилиш, корхонани оптимал бошқариш масалалари вужудга келади. Бу масалаларни ечишда тизим-техникасининг математик усуллари, чизиқли дастурлаш, ўйинлар назарияси, маълумотлар назарияси ва бошқа усуллар қўлланилади.


2-маъруза: Автоматлаштириш техник тизимининг ҳаётӣ фаолият даври

Маъруза режаси:

1. Автоматлаштириш тизимларини лойихалаш ғоясини яратиш;
2. Лойихалаш
3. Автоматлаштириш тизимларини монтаж қилиш;
4. Автоматлаштириш тизимларини эксплуатация қилиш.

Бошқариш тизимларини яратиш ва ишлаб чиқаришга жорий қилиш қуйидаги бир неча босқични ўз ичига олади: (замысл) ғоя лойихалаш, монтаж, созлаш ва эксплуатация (ишлатиш) қилиш.

Шундай қилиб, техник тизимнинг ҳаётий фаолият даври қуйидаги босқичларда ўтади:



Ғояни яратиш - мураккаб ижодий жараён бўлиб бу босқичда ўзимизда ва чет эл мамлакатларидаги технологик жараёнларни бошқариш бўйича ғоялар асосида янги бошқариш ғояси шакллантирилади. Техник ечимлар вариантлари таҳлил қилинади. Бу босқичда, баъзи ҳолатларда илмий-тадқиқот ва тажриба конструкторлик ишлари ҳам амалга оширилиши мумкин. Ушбу босқич охирида лойихага техник топшириқ ишлаб чиқилади.

Лойихалаш бу мураккаб, кўп меҳнат талаб қиладиган жараён ҳисобланади. Фан ва техниканинг ривожланиши билан лойихалаш муддати алоҳида ўрин эгаллайди. Техник тизимларининг ҳаётий фаолият даври қисқариш тенденциясига эгаллигини ҳисобга олганда, лойихалаш ва жорий қилиш муддатларини қисқартириш керак бўлади.

Лойихалаш босқичининг асосий вазифалари бўлиб, тизимнинг техник ва дастурий ҳужжатларининг тўлиқ комплектини ишлаб чиқиш ҳисобланади

Ишлаб чиқилган техник ҳужжатлар саноатда тизимни сифатли ишлаб чиқиш имконини бериш билан бирга, у маълум талабларга жавоб бериши ва тизимни ишончли ишлашини таъминлаши лозим.

Техник ҳужжатларнинг таркиби ва мазмуни конструкторлик ҳужжатларининг яхлит тизими (ЕСКД) билан белгиланади. У ГОСТ (Давлат стандарти)лар, ОСТ, РТМ (руководящие технические материалы- йўл йўриқ кўрсатувчи техник материаллар) СНИП (строительные нормы и правила – қурилиш нормалари ва қоидалар)лардан ташкил топган бўлиб, бошқариш тизимларини техник конструкторлик ҳужжатларини бажариш ишлаб чиқишнинг ҳамма давларида расмийлаштириш ва фойдаланиш, тайёрлаш, эксплуатация қилиш, таъмирлаш қоидалари келтирилган бўлади.

Бошқариш тизимининг дастурий ҳужжатлари таркиби мазмуни ва расмийлаштирилиши (единая система программной документация) дастурий ҳужжатлар яхлит тизими (ЕСПД) билан белгиланган бўлади.

Автоматлаштириш тизимларини монтаж қилиш, ишлаб чиқаришни автоматлаштириш бўйича ишларнинг иккинчи босқичи ҳисобланади. Бунда лойиха ва амалдаги норматив техник ҳужжатлар асосида ўлчов асбоблари ва автоматлаштириш воситалари ўрнатилади, ва уларга керакли коммуникациялар келтирилиб уланади.

Монтаж ишлари муддатини қисқартиш ва сифатини ошириш кўп жихатдан монтаж ишларини индустрлаштиришга боғлиқ. Бунда кўп монтаж ишлар керакли асбоблар ва механизмлар билан жихозланган заводларда ёки

монтаж-тайёрлов пунктларида амалга оширилади. (Харажатлар бунда 1,5 баробаригача камайиши мумкин).

Монтаж ишлари якунлангандан сўнг, автоматлаштириш тизимларини созлашга ўтилади. Тизим элементларини текширишда мураккаб ишларни амалга ошириб, автоматлаштириш тизимининг нормал ишлашига эришилади.

Автоматлаштириш тизимларини эксплуатация қилиш оператор-технологлар томонидан амалга оширилади.

Автоматлаштириш тизимлар мураккаб ишлатиш объекти ҳисобланиб, тизимнинг ишончли ва тўғри ишлаши учун режа профилактик ишларни амалга ошириш ҳисобга олиниши керак. Яъни таъмирлаш, ишлаб чиқаришни метрологик таъминоти, ўлчов асбобларни текшириш ва бошқалар. Бу ишларни амалга ошириш учун автоматлаштириш тизимларини эксплуатация қилиш хизмати ташкил қилинади.

3-маъруза: Локал автоматлаштириш тизимларини лойихалашнинг асосий босқичлари (6-соат)

Маъруза режаси:

1. Автоматлаштириш тизимларини лойихалашга топшириқни тайёрлаш;
2. Автоматлаштириш лойиха ҳужжатларининг таркиби ва мазмуни Ишчи лойиҳанинг график ва ёзув материаллари таркиби;
3. Лойиҳалашга техник топшириқ.

Автоматлаштириш бўйича лойиха ишлари соҳа лойиха институтларининг автоматлаштириш бўлимлари ёки автоматлаштириш бўйича ишлайдиган махсус ташкилотлар томонидан бажарилади. Соҳа лойиха институтлар одатда генерал бош лойиҳачи ҳисобланади.

Автоматлаштириш тизимларини лойиҳалаш, лойиҳалашга топшириқ асосида ва техник иқтисодий асосда (ТЭО) асосида амалга оширилади. Баъзи ҳолларда, керак бўлса, лойиха ишларини бошлашдан олдин, илмий тадқиқот ишлари ҳам олиб борилади.

Лойиҳалашга топшириқ буюртмачи томонидан, бош лойиҳаловчи иштирокида, автоматлаштириш тизимлари учун эса, шу тизимларни ишлаб чиқувчилар иштирокида ишлаб чиқилади.

Лойиҳалашга топшириқни тасдиқлаш тартиби СНиПга мувофиқ белгиланади.

Техник топшириқ (ТЗ) таркибига лойиҳалаш учун асос, бошланиш ва якунлаш муддатлари, Лойиҳалаш даврийлиги (?), Лойиҳада қатнашувчи ташкилотлар номлари, ишга тушириладиган комплекслар рўйхати, асосий техник иқтисодий кўрсаткичлар, ҳамда илмий тадқиқот ишлари ва тажриба синов ишларини бажаришга талаблар киритилади.

Шунингдек локал автоматлаштириш тизимини лойиҳалашга топшириқга таркибига:

- Цех, агрегат ва қурилмалар рўйхати, ҳамда технологик схема;

- Автоматлаштиришнинг функционал масалалари рўйхати;
- Назорат қилинадиган ва ростланадиган параметрлар рўйхати;
- Бошқариш структураси ва шчит ва пуьтларнинг жойлашиши бўйича тавсиялар киради.

Лойихалашга топшириқ билан лойихалаш учун керак бўлган қуйидаги маълумотлар ва материаллар тақдим этилади:

- Ишлаб чиқариш хоналарининг ва техник жихозларнинг чизмалари;
- Электр энергия ва сиқилган хаво манбаалари тўғрисида маълумот;
- Ишлаб чиқариш хоналарига характеристика ва бошқалар.

Лойихалаш бир босқичда (ишчи лойиха) ёки икки босқичда техник ва ишчи лойиха амалга оширилиши мумкин.

Содда локал бошқариш тизимларини лойихалашда бир босқичли лойихалаш ишлатилади.

Автоматлаштириш

лойиха хужжатларининг таркиби ва мазмуни

Бир босқичли лойихалаш ишчи лойихаси таркибига қуйидаги **график материаллар** киради:

- Автоматлашган ишлаб чиқаришни бошқаришнинг структура чизмаси,
- Технологик жараёнларни автоматлаштириш чизмалари,
- Назорат, бошқариш, технологик сигналлаш ва тизимнинг техник воситаларининг манбаасининг принципиал электр ва пневматик чизмалари,
- Шчит ва пуьтларнинг хужжатлари (умумий кўриниши уланишлар жадвали),

- Ташқи уланишлар чизмаси,
- Уланишлар ва жихозларнинг жойлашиш чизмаси,
- Ёрдамчи ускуналарни ўрнатиш чизмалари,
- Ностандарт жихозларнинг чизмалари.

Лойиханинг **ёзув материалларига** қуйидагилар киради:

- Тушунтириш ёзуви,
- Торайтириш қурилмалари, ростлаш органларини хисоблаш учун бошланғич маълумотлар ва хисоблаш натижалари жадвали,
- Қурилмалар спецификацияси (таснифи),
- Жихоз ва монатжнинг нархи сметаси,
- Автоматлаштириш воситалари монтажининг типик чизмаларини ўз ичига олган нормалар рўйхати.

Шчитларга таълуқли хужжатлар одатда иловада келтирилади.

Ишчи чизмаларни бажаришда монтаж ишларини индустрлаштиришни хисобга олиш керак бўлади.

Лойихалашга техник топшириқ. Автоматлаштириш бўйича лойихани ишлаб чиқариш объекти комплекс лойихасининг бошқа қисмлари билан келишиш учун техник топшириқ тузилади:

- автоматлаштириш қурилмаларини электр манбаа, сиқилган хаво, иссиқлик ва совутиш агенти билан таъминлашга топшириқ,
- оператор ва диспетчер пунктлари хоналарига топшириқ,

-алоқани таъминлашга топшириқ,
 -алохида ишларни бажаришга топшириқ (масалан: трубаларни иссиқлик изоляцияси, йўлакларни яратиш, технологик жихозларда улаш курилмаларини ростлаш органларини жойлаштириш).

Ҳамма топшириқлар генерал (бош) лойихаловчига берилади.

4-маъруза. БОШҚАРИШ ВА НАЗОРАТНИНГ СТРУКТУРА ЧИЗМАЛАРИ (6-соат)

Маъруза режаси:

1. Бошқариш ва назоратнинг структура чизмалари таснифи:

- бир босқичли ва кўп босқичли бошқариш структуралари. Бир босқичли марказлашган ва марказлашмаган бошқариш структуралари.;
- кўп босқичли бошқариш структуралари;

2. Бошқариш ва назоратнинг структура чизмалари таркиби;

3. Бошқариш ва назоратнинг структура чизмаларининг бажарилиши;


4. Асосий бўлинмаларнинг ва бошқариш пунктларининг шартли белгиланиши:

- Техник воситаларнинг функционал гуруҳларининг шартли белгиланиши;
- Техник воситалар функциясини шартли белгиланиши.

Автоматлаштириш лойиҳаларини ишлаб чиқишда биринчи навбатда объектимиз қаердан бошқарилишини, бошқариш пунктлари, оператор хоналари қаерда жойлашишини, улар орасидаги боғлиқликни, яъни бошқариш структурасини аниқлашиши керак.

Бошқариш структурасини ва унинг иерархиясини танлаш учун бошланғич маълумотлар буюртмачи билан топшириқ олишда келишиб олинади.

Умумий кўринишда автоматлаштириш тизимининг структура чизмасини ққуйидагича тасаввур қилиш мумкин:



Ушбу чизмада бошқариш тизими қандай бошқариш пунктларидан ташкил топгани кўрсатилмаган (яъни, бирбосқичлими ёки кўп босқичлими).

Бир босқичли ва кўп босқичли бошқариш структуралари


Бир босқичли марказлашган ва марказлашмаган ҳамда кўп босқичли бошқариш структуралари мавжуд.

Бир босқичли марказлашган бошқаришнинг структура чизмасини қуйидагича тасаввур қилиш мумкин:



Бу чизмада объектдан бошқариш тизимига ахборот оқимини ва бошқариш тизимидан объектга бошқариш таъсир сигналлари кўрсатилган.


Марказлашган бир босқичли бошқариш структура чизмасида алоҳида бошқариш пунктлари (БП-1, БП-2, БП-3) ишлаб чиқаришнинг алоҳида бўлимларини бошқаради.



Бир босқичли марказлашган бошқариш тизимлари асосан мураккаб бўлмаган объектларда ёки яқин жойлашган объектларда қўлланилади.

Агар ишлаб чиқариш бўлинмалари бир-биридан узоқда жойлашган бўлса, унда бир босқичли марказлашмаган бошқариш тизимларини қўллаган маъқул.

Мураккаб технологик жараёнларни бошқаришда бошқаришни оптимал ташкил қилиш ёки кўп босқичли (иерархик) бошқариш тизимларини қўлланса мақсадга мувофиқ бўлади.



Алохида технологик қурилмалар марказлашмаган ҳолда 1-7 бошқариш пунктлари ёрдамида бошқарилади.

Нисбатан (маълум) аҳамиятли параметрлар объектдан иккинчи босқич (8-10) бошқариш пунктларига юборилади.

Технологик жараёнларни қанчалик тўғри кетаётганини белгиловчи асосий параметрлар учинчи боқич (11) бошқариш пунктдан бошқарилади. Бошқаришнинг структура чизмаларини РТМ 252. 40-76 (руководящие технические материалы минприбора) асосида бажарилиши тавсия этилади.

Бошқариш ва назорат структура чизмаларининг таркиби

Бошқаришнинг ва назорат қилишнинг структура чизмалари куйидагиларни ўз ичига олади:

- Асосий функционал бўлинмаларининг етарли даражада деталлаштирилган шартли белгилари янги ишлаб чиқариш, цехлар, участкалар, бўлимлар ва ускуна бўлиши мумкин;

- асосий бошқариш пунктларининг шартли белгилари (жойидаги оператор хоналари, диспетчер хоналари);

- корхонанинг асосий ва ёрдамчи хизматларининг шартли белгиланиши;

- хар бир бошқариш пунктида амалга оширилаётган асосий функцияларнинг шартли белгилари;

- автоматлаштирилган бошқариш тизимларига кирган техник воситаларининг шартли белгилари;


- ишлаб чиқариш, бошқариш пунктлари корхона хизматлари орасидаги ҳамда бошқа ТЖАБТ ва юқори АБТ билан боғлиқлик чизмаларининг шартли белгилари;

- техник воситалар ва функцияларнинг рўйхати.

Структура чизмаларини тузишда масштабларга риоя қилинмайди.

Бошқариш ва назорат структура чизмаларининг бажарилиши

Асосий бўлинмалар ва бошқариш пунктларининг шартли белгилари тўртбурчак шаклида кўрсатилади. Тўртбурчаклар горизонтал бўйича бир



неча бўлақларга бўлинади. Юқори қисмида агрегатлар номлари кўрсатилади. Пастиди бўлим ёки участкаларнинг номлари кўрсатилади. Шу тўртбурчакларнинг энг пастиди ишлаб чиқаришнинг номи кўрсатилади.

Бошқариш пунктларини ифодаладиган тўртбурчакларда горизонтал бўйича беш бўлақга бўлинади:

-Юқори қисмида бошқариш пункти номи берилади (ишлаб чиқаришнинг диспетчер пункти, цехнинг оператор пункти ва бошқалар),

-Иккинчи қисмида қарор қабул қилишга маъсул техник персонал кўрсатилади (смена диспетчери, оператори ва ш.ў.),

-Тўртбурчакнинг учинчи қисмида, ушбу пунктда ўрнатилган асосий қурилмаларнинг номлари келтирилади (назарий шчити, бошқариш пульти, мнемосхема, бошқарувчи хисоблаш комплекси (УВК), алоқа воситаси ва ш.ў)

-Тўртинчи қаторда техник воситалар функционал гуруҳларининг шартли белгиланиши кўрсатилади,

-Бешиинчи қаторда техник воситаларнинг функциясининг шартли белгиланиши кўрсатилади.

Техник воситаларнинг функционал гуруҳларининг шартли белгиланиши.

Д - автоматлаштириш датчиклари

С – сигнализаторлар

ИЦ – сон-рақамли индикаторлар

ИА – аналогли индикаторлар

Р – локал ростлагичлар

РА – аналогли регистраторлар

КА – команда аппаратлар

СУ – ўлчаш қурилмаларининг бошқариш панели ва станциялари

ЗД – белгиланган қийматни берувчи қурилма

ПР – процессор

ВЗУ – ташқи хотирага олувчи қурилма

ВГ – символларни хотирага олувчи қурилма

ВВУ – киритувчи ва чиқарувчи қурилма

УП – печатга чиқариш қурилмаси

УСО – объект билан алоқа ўрнатиш қурилмаси

ПРВ – маълумотларни қўлда киритиш қурилмаси

ДС – диспетчер – оператор алоқаси жихозлари

ПГС – ишлаб чиқариш баланд овозда гапириш қурилмаси

Техник воситалар функциясини шартли белгиланиши

1 – параметрларни назорат қилиш

2 – технологик жихозлар ва ижрочи қурилмаларни масофадан бошқариш

3 – ўлчаш кўрсаткичларини ўзгартириш

4 – ускуналарнинг ҳолатини назорат қилиш ва сигналлаш

5 – стабилловчи ростлаш

6 – ростлагичларнинг ишлаш режимини танлаш ва задатчикни қўлда бошқариш

7 – маълумотларни қўлда киритиш

8 – параметрларни регистрация қилиш

9 – техник –иқтисодий кўрсаткичларни (ТЭП) хисоблаш

10 – ишлаб чиқаришни хисобини қилиш ва смена кўрсаткичлари бўйича келишув

- 11 – технологик линияни диагностика қилиш
- 12 – технологик линия юкламасини тақсимлаш
- 13 – алохида технологик жараёнларни оптималлаштириш
- 14 – технологик жараёнлар ҳолатини таҳлил қилиш
- 15 – ишлаб чиқариш асосий кўрсаткичларини прогноз қилиш
- 16 – смена ишини баҳолаш
- 17 – Режа топшириқларининг бажарилишини назорат қилиш
- 18 – таъмирлаш ишларининг ўтказилишини назорат қилиш
- 19 – ТЖАБТга оператив маълумотларни тайёрлаш ва бериш
- 20 – ТЖАБТдан топшириқларни ва ишлаб чиқариш чекламаларини олиш

5- маъруза. ТЕХНОЛОГИК ЖАРАЁНЛАРНИ АВТОМАТЛАШТИРИШ ЧИЗМАЛАРИ (4-соат)

Маъруза режаси:

Автоматлаштириш чизмалари тузишда ечиладиган асосий масалалар:

1. Технологик жараённи таҳлил қилиш;
2. Мавжуд автоматлаштириш чизмаларини таҳлил қилиш
3. Технология чизмасида назорат нуқталарини ёки ростлаш тизимига импульслар олиш нуқталарини танлаш;
4. Иккиламчи ўлчов асбобларини танлаш;
5. Ростлагичларни танлаш;

Автоматлаштириш чизмалари тузишда ечиладиган асосий масалалар

Автоматлаштириш чизмалари лойиҳа ҳужжатларининг асосийси бўлиб, бошқа лойиҳа чизмаларини ишлаб чиқишга асос бўлади. Шунинг учун автоматлаштириш чизмаси объектнинг автоматлаштириш даражасини белгилайди.

Технологик жараённи таҳлил қилиш

Фақат технологияни чуқур билган ҳолда автоматлаштириш масалаларини асосли ечиш, назорат қилинувчи ва бошқарилувчи параметрларни тўғри танлаш, уларни ўлчаш диапазонларини, ишчи номинал қийматларини аниқлаш, ҳамда жараён турткилари характерини аниқлаб, асосий таъсир каналларини аниқлаш мумкин.

Мавжуд автоматлаштириш чизмаларини таҳлил қилиш

Автоматлаштириш чизмаларини тузишда лойиҳа қарорларини қабул қилишдан аввал мавжуд автоматлаштириш чизмалари ўрганилиб, чуқур таҳлил қилинади. Таклиф қилинаётган автоматлаштириш чизмалари юқори техник-иқтисодий кўрсаткичларни таъминлаши керак бўлади.

Объектнинг статик ва динамик характеристикаларини таҳлил қилиб ростлаш

Бошқариш структураси аниқланади. Бунда тахлил натижасида асосий ростлаш таъсир каналлари аниқланади.

Технология чизмасида назорат нуқталарини ёки ростлаш тизимига импульслар олиш нуқталарини танлаш

Назорат нуқталарини танлаш ростлагичларнинг сошлаш параметрларига таъсир этади, чунки назорат нуқталарининг ўзгариши билан объектнинг динамик ва статик характеристикалари ўзгаради. Шунинг учун датчикларнинг ўрнатилиш жойларини объектнинг статик ва динамик характеристикаларини ҳисобга олган ҳолда аниқлаш керак бўлади.

Ўлчаш асбобларини ва сезгир элементларни танлаш


Одатда лойихага топшириқда объектнинг ишлаш жараёнида назорат қилинадиган ва ростланадиган асосий технологик кўрсаткичлар кўрсатилади. Бунда, албатта ортиқча ахборот фақат тизимни қимматлаштириб қолмасдан, балки уни ишлатишни ҳам мураккаблаштиришни ҳисобга олиш керак.

Ўлчов асбобларини танлашда мунтазам ишлаб чиқарилаётган асбобларни танлашга ҳаракат қилиш керак.

Технологик жараён шароит ва талабларини ҳисобга олган ҳолда керакли сифатдан ўлчов асбоблари танланади. Маълумки ўлчов асбобларининг сифати унинг аниқлиги, сезгирлиги, тезкорлиги ва ишончлилиги билан аниқланади. Одатда аниқлик синфи $0,25 \div 1,5$ бўлган, сезгирлиги ўлчаш диапазонининг $0,05 \div 0,1\%$ даражасидаги ва тезкорлиги 16с дан катта бўлмаган ўлчов асбоблари танланади.

Ўлчов асбобининг сезгир элементини танлашда ўлчанаётган муҳит характеристикасини (параметрнинг ўзгариш чегарасини, муҳит агрессивлигини ва х.к) ҳамда унинг динамик хусусиятларини ҳисобга олиш керак. Яъни, объектнинг ўзгармас вақт кўрсаткичини, T_p ўтиш жараёни вақтини t_p , ҳамда турткига реакциянинг бошланиш вақти T_r .

Графикда T_p , t_p ва T_r ларни аниқлаш усули келтирилган.



Ўлчов асбоблари пневматик ёки электр сигнал ўзгартиргичлар билан комплектланган бўлиши мумкин.

Пневматик сигнал ўзгартиргичлар (чиқиш сигнали $0,02 \div 0,1$ МПа) одатда ёнғиндан хавфли ва портлашдан хавфли ишлаб чиқаришларда қўлланилиб, нисбатан катта инерцияга эгадирлар. Одатда 300м гача масофага ахборотни узатиши мумкин. Аниқлик синфи 1%. 5мм диаметрли пневматик импульс трубкасига босим бўйича 0,1МПа поғонали туртки берилганда, трубанинг узунлиги 100м бўлганда ўзгармас вақт кўрсаткичи $3 \div 4$ с, кечикиши $0,5 \div 0,7$ с, трубанинг узунлиги 200м бўлганда $T_p = 10 \div 12$ с ва кечикиши 1-2с ва труба узунлиги 300м бўлганда $T_p = 16-20$ с ва кечикиши $2,5 \div 3$ с бўлади.

Электр сигнал ўзгартиргичлар инерциясиз ҳисобланади.

Индуктив, омик, сельсинли, дифференциал-трансформаторли, ферродинамик, кучни компенсияциялашга асосланган ва частотали электр сигнал ўзгартиргичлар мавжуд бўлиб уларнинг аниқлик синфи 0,5 ва 1 бўлади. Электр сигнал ўзгартиргичлар ёрдамида ахборотни нисбатан узоқ масофага узатиш мумкин. Камчилиги, электр ва магнит майдонларининг таъсири.

Дифференциал-трансформаторли сигнал ўзгартиргичлар ёрдамида ахборотни 250м масофагача узатиш мумкин. Ўлчаш аниқлигига ташқи магнит майдони таъсири, ҳамда уловчи симлар сиғимининг таъсири мавжуд.

Қаршилик термометрларидан ахборотни автоматик мувозанат кўпригига узатиш 200м гача, логометрлар ёрдамида ўлчаганда эса, 600м гача масофага узатиш мумкин.

Термометрлардан автоматик потенциометрларга ахборотни хромель копель термопарасидан 200м гача, хромель алюмель термопарасидан 500м гача масофага узатиш мумкин. Албатта термопараларни термоэлектрод симлар билан улаганда.

Иккиламчи ўлчов асбобларини танлаш

Автоматлаштириш чизмаларини тайёрлашда иккиламчи ўлчов асбобларини танлашда қуйидагиларга эътибор қаратиш керак:

- аниқлик синфи бўйича (0,25. 0,5. 1. 1,5)
- динамик хусусиятлари бўйича (тезкорлиги)
- габаритлари бўйича (нормал, кичик габаритлар ва минатюрли)
- ўлчанаётган параметрлари сони бўйича
- иккала кўриниши бўйича (тўғри чизиқли, айлана шаклида ва ёйсимон)
- ижро услуги бўйича (нормал, тропик, чақмоқдан химояланган)
- кўрсатиш бўйича (сон-рақамли, аналогли, дискрет-аналогли).

Оператив назорат учун кўрсатувчи ўлчов асбоблари қўлланилади. Технологик жараённинг асосий параметрлари кўрсатиб ёзиб боровчи ўлчов асбоблари ёрдамида назорат қилинади. Ёзиб боровчи ўлчов асбоблари дичк диаграммали ва лента диаграммали бўлади.

Секин ўзгарувчи параметрларни юқори аниқликда ўлчаш учун сон-рақамли ўлчов асбоблари ишлатилади.

Ўлчов асбоби шкаласини танлашда ўлчанаётган параметрнинг максимал қиймати шкаланинг охирига чорагида бўлишини ҳисобга олиш керак. Дефференцияланувчи сезгир элементли ўлчов асбобларида шкаланинг $0,5 \div 0,7$ қисмида танланган маъқул.

Ўлчов асбобларини танлашда юқорида кўрсатиб ўтилган талабларга риоя қилиш керак.

Ростлагичларни танлаш

Ростлагичлар қуйидагиларга қараб танланади:

- ташқи манбаа энергияси турига қараб (электр пневматик гидравлик)
- чиқиш сигналининг характериға қараб (узлуксиз, дискрет)
- ростлаш қонунига қараб (позицион-ПЗ, пропорционал-П, интеграл-И, пропорционал интеграл-ПИ, пропорционал интеграл дифференциал-ПИД)

Бу ростлагичлар ёрдамида автоматик ростлаш тизимлари (АРС) курилади. Туртки бўйича АРС, четлашиш бўйича АРС ва комбинацияли АРС лар мавжуд.

Ростлаш тизимининг сифати кўп жихатдан жараённинг ростлаш таъсир каналини тўғри танланганлигидан, ҳамда ростлаш қонунини тўғри танланганлигига боғлиқ.

Ростлагични танлашни бир контурли ростлаш тизимидан ва энг содда ростлаш қонунидан бошланади, сўнгра ростлаш қонунини мураккаблаштириб бориб, керакли ростлаш сифатиға эришилади. Агар ростлаш сифати бир контурли ростлашда талабга жавоб бермаса, унда кўп контурли ростлаш тизимини қўллаш тахлил қилинади.

6-лекции. Автоматлаштириш тизимларини бажаришнинг умумий қоидалари. ГОСТ 21-404-85. (СПДС. Технологик жараёнларни автоматлаштириш. Ўлчов асбоблари ва автоматлаштириш воситаларини автоматлаштириш чизмаларида шартли белгиланиши (10 - соат).

Маъруза режаси:

1. Автоматлаштиришнинг функционал чизмаларининг вазифаси;
2. Технологик жихоз ва коммуникацияларнинг белгиланиши.
ГОСТ 2.784-70 бўйича суюқлик ва газлар учун қувурўтказгичларни шартли рақамли белгиланиши;
3. Автоматлаштириш ва ўлчаш воситаларини белгиланиши.
ГОСТ 21.404-85:
 - ГОСТ 21.404-85 бўйича автоматлаштириш ва ўлчаш воситаларини асосий шартли белгиланишлари;
 - ГОСТ 21.404-85 бўйича харфли шартли белгиланишлари;
 - ГОСТ 21.404 —85 бўйича ўлчов асбобларини функционал белгиларини ифодаловчи қўшимча харфли белгиланишлар;

- ГОСТ 21.404 —85 бўйича сигнал ўзгартиргичлар ва ҳисоблаш қурилмаларини функционал белгиларини ифодаловчи қўшимча харфли белгиланишлар;
- ГОСТ 21.404 – 85 бўйича ўлчов асбоблари ва автоматлаштириш воситалари графикли шартли белгиларининг ўлчамлари;
- 4. ГОСТ 21.404-85 бўйича шартли белгиларни қуриш мисоллари;
- 5. Функционал чизмаларни бажариш мисоллари.

Автоматлаштиришнинг функционал чизмаларининг вазифаси

Функционал чизмалар асосий техник ҳужжат бўлиб, технологик жараёнларни назорат қилиш, ростлаш ва бошқаришнинг алоҳида қисмларининг функционал блок тузилмасини, ҳамда бошқариш объектини ўлчов асбоблари ва автоматлаштириш воситалари билан таъминланганлигини белгилайди.

Технологик жараёнларни автоматлаштиришнинг функционал чизмаларини ишлаб чиқишда қуйидаги масалаларни ечиш керак:

- технологик жихоз ва жараён ҳолати тўғрисида бирламчи ахборотни олиш;
- технологик жараённи бошқариш учун унга тўғридан-тўғри таъсир этиш;
- технологик жараён параметрларини стабиллаш;
- технологик жараён параметрлари ва технологик жихозлар ҳолатини назорат қилиш ва ёзиб бориш.

Технологик жараёнларни автоматлаштириш чизмаси машина-жихозлар чизмасини ўз ичига олиб, унда шартли белгилар ёрдамида бошқариш органлари, автоматлаштиришнинг асбоб ва воситалари ва улар орасидаги алоқалар кўрсатилади.

Автоматлаштириш схемаларини бажаришни 2 хил варианты мавжуд:

- соддалаштирилган;
- ёйиб очиб берилан.

Технологик жихозларни автоматлаштириш чизмаларида кўрсатилиши: Технологик жихозлар автоматлаштириш чизмасида бошқариш органлари, электржихозлар ва ёрдамчи қурилмаларнинг асосий коммуникациялари кўрсатилган ҳолда масштабсиз чизманинг 2/3 юқори қисмида кўрсатилади.

Технология чизмаси ГОСТ 2.785-70, ГОСТ 14202-69, ГОСТ 21106-78, ГОСТ 2. 721-74 лардан фойдаланиб чизилади.

Бу чизмаларда жихозлар контурлари 0,5мм ли ингичка чизиқлар билан, коммуникациялар 1-2мм қалинликда чизилади. Чизиқлар кесишган жойлари, агар улар бир-бирига уланган бўлса нуқта қўйилади, агар уланмаган бўлса, нуқта қўйилмайди.

Технологик жихозлар ва коммуникациялар автоматлаштириш чизмасида одатда соддалаштирилган ҳолда кўрсатилиб, унинг ишлаш принципи тўғрисида аниқ тасавур бериши керак.

Технологик қувурларда одатда ростлаш органларини ўрнатиш жойлари ва технологик параметрларни ўлчаш учун импульсларни олиш жойлари кўрсатилади. Алохида ҳолларда технологик жихозларнинг баъзи элементлари функционал чизмаларда, уларнинг номлари кўрсатилган ҳолда, тўртбурчак кўринишида кўрсатилади ёки умуман кўрсатилмайди.

Суюқлик ва газлар учун технологик коммуникациялар ва қувурлар ГОСТ 2.784 — 70 бўйича ифодаланади (жадвал 5.1.).

Мухит характерини тўлиқроқ ёритиш учун шартли рақамли белгиланишга харфли индекс қўшилиб ифодаланиши мумкин. Масалан: тоза сув- 1т, қуруқ буғ-2қ, тўйинган буғ-2т ва ҳакозо. Қувурларнинг шартли рақамли белгиланиши камида ҳар 50 мм оралиқда қўйилиши керак.

ГОСТ 2.784-70 бўйича суюқлик ва газлар учун қувурўтказгичларни шартли рақамли белгиланиши (Таблица 5.1.)

Қувурўтказгичдан ўтаётган мухит номи	Белгиланиши
Сув	-1-1-
Буғ	-2-2-
Хаво	-3-3-
Азот	-4-4-
Кислород	-5-5-
Инерт газлар:	
аргон	-6-6-
неон	-7-7-
гелий	-8-8-
криптон	-9-9-
ксенон	-10-10-
Аммиак	-11-11-
Кислота	-12-12-
Ишқор	-13-13-
Ёғ	-14-14-
Суюқ ёқилғи	-15-15-
Ёнувчи ва портловчи газлар:	
водород	-16-16-
ацетилен	-17-17-
фреон	-18-18-
метан	-19-19-
этан	-20-20-
этилен	-21-21-
пропан	-22-22-
пропилен	-23-23-
бутан	-24-24-
бутилен	-25-25-

Ёнғиндан қарши қувурўтказгич	-26-26-
Вакуум	-27-27-

5.1. жадвалда ҳисобга олинмаган суюқлик ва газларни шартли белгиланиши учун бошқа рақамлар ишлатилиши мумкин. Бу янги белгиланишларга албатта кераклигича тушунтириш берилиши керак.

Агар технологик чизмалардаги қувурларнинг белгиланиши стандарт бўйича бўлмаса, унда автоматлаштиришнинг функционал чизмаларида ҳам технологик чизмадаги белгиланишлардан фойдаланиш керак бўлади.

Ростлаш органлари ва сигнал олувчи қурилмалар ўрнатилиши режаланган қувурларда, одатда шартли ўтиш диаметрлари кўрсатилади.

Ўлчов асбоблари ва автоматлаштириш воситаларининг белгиланиши

Автоматлаштириш чизмаларида ўлчов асбоблари ва автоматлаштириш воситалари ГОСТ 21 408-85 (СПДС. Технологик жараёнларни автоматлаштириш воситаларини шартли белгиланиши) бўйича кўрсатилади.

Автоматлаштириш чизмаларида ёрдамчи жихоз ва қурилмалар (Реле, ўчиргич, фильтр, редуктор ва бошқалар) кўрсатилмайди.

Автоматлаштириш чизмаларида шунингдек комплекс қурилмалар (ҳисоблаш қурилмалари, комплекслар ва ш.ў) ҳам кўрсатилади. Ҳисоблаш қурилмалари ва комплекслар ГОСТ бўйича махсус белгиланишларга эга эмас ва шунинг учун улар автоматлаштириш чизмаларида тўртбурчак кўринишида кўрсатилади. Чизманинг пастки қисмида (тахминан чизма баландлигининг 1/3 қисмида), технологик чизма пастида, тўртбурчакларда автоматлаштириш тизими жихозлари кўрсатилади. Уларда автоматлаштириш воситалари кўйидагича жойлаштирилади:

- жойидаги асбоблар,
- шчитдаги асбоблар,
- оператив шчитдаги асбоблар,
- марказий диспетчер шчитидидаги асбоблар,
- ҳисоблаш қурилмаси (бошқарув машиналар) ва комплекслар.

Тўртбурчакларни 40мм баландликда бажариш тавсия қилинади. Ҳамма тўртбурчакларнинг чап томонидаги 15мм кенгликда уларда жойлашган асбобларнинг умумлашган ифодаси кўрсатилади. (Масалан, “жойидаги асбоблар”, “Шчитдаги асбоблар” ва бошқалар).

Автоматлаштириш воситаларини бир-бирига уловчи симлар ингичка 0,2÷0,3мм қалиндаги чизиқлар билан уланади. Уларни технологик жихозлар ва трубапроводлар билан кесишмаган холда, ҳамда камроқ қайрилишларсиз ва кесишмасдан олиб борилиши талаб қилинади.

Биринчи тўртбурчак билан кесишишдан олдин ўлчанаётган параметрнинг максимал қиймати кўрсатилади. Мураккаб технологик қурилмаларнинг автоматлаштириш чизмаларини бажаришда, уловчи симларни узиб, узилган жойларни бир хил араб рақамлари билан белгиланишига рухсат берилади. Бунда бу рақамларни чапдан ўнгга ортиб

бориши таъминланади. (Қайси сигнал қаерга боришини топиш осон бўлиши учун).

Чизмада ҳар бир ўлчовчи ва ростловчи комплектларга тартиб рақами ҳамда улардаги ҳар бир элементга позиция ((номери) рақами қўйилади. Масалан, сезгир элемент 1а, жойидаги асбоб (сигнал ўзгартиргич) 1б, иккиламчи асбоб 1в, ростлагич 1г ва ижрочи қурилма ростловчи орган билан 1д.

ГОСТ 21.404-85 бўйича ўлчаш ва автоматлаштириш воситаларини белгиланиши

Ўлчов асбоблари, автоматлаштириш воситалари, электр қурилмалар ва ҳисоблаш техникаси элементлари автоматлаштиришнинг функционал чизмасида ГОСТ 21.404-85 ва тармоқ норматив ҳужжатлари асосида кўрсатилади.

Агар стандартларда қайсидир кўрсаткичларнинг белгиланишлари берилмаган бўлса, унда уларга ностандарт белгиланишларни қўллашга рухсат этилади. Бунда, бу белгиланишларни ушбу қурилмаларни характерли белгилари асосида бажарилади.

Ўлчов асбобларининг функционал белгилари бўйича графикли ва ҳарфли шартли белгиланишларини тузишни ГОСТ 21.404 – 85 ҳисобга олади (5.2.-жадвал).

Стандарт бўйича шартли белгиланишларнинг икки хил усули белгиланган: соддалаштирилган ва ёйиб берилган.

Соддалаштирилган усул учун 5.2.-жадвал бўйича асосий шартли белгиланишлар ва 5.3.-жадвал бўйича ҳарфли белгиланишлар етарли ҳисобланади.

Шартли графикли белгиланишларни ёйиб берилган усулида асосий (5.2. ва 5.3. жадваллар) ва қўшимча белгиланишлар (5.4. ва 5.5. жадваллар) биргаликда қўлланилади.

Бир неча функцияларни бажараётган ўлчов асбобларини бир-бирига ёндошган бир нечта айланалар билан кўрсатилиши мумкин.

Соддалаштирилган ва ёйиб берилган усуллар учун графикли шартли белгиланишларнинг кўрсатилиш усуллари умумийдир.

Айлананинг юқори қисмида ўлчанаётган катталиқнинг ҳарфли белгиланиши ва ўлчов асбобининг функционал белгилари кўрсатилади.

ГОСТ 21.404-85 бўйича автоматлаштириш ва ўлчаш воситаларини асосий шартли белгиланишлари (Жадвал 5.2.)

Номи	Белгиланиши
Бирламчи ўлчовчи сигнал ўзгартиргич (датчик), жойида ўрнатиловчи ўлчов асбоби	
Шчитда ўрнатилган ўлчов асбоби	
Мунтазам уланмаган ўлчов асбоби учун уланиш қурилмаси (созлаш, объект характеристикасини олиш ва бошқа ҳолатларда ўлчов асбобларини эпизодик уланишлари учун)	
Ижрочи қурилма. Умумий белгиланиши. (Бошқариш сигнали ёки берилаётган энергиянинг тўхташи билан ростлаш органи ҳолати регламентланмаган)	
Бошқариш сигнали ёки берилаётган энергиянинг тўхташи билан ростлаш органини очувчи ижрочи қурилма.	
Бошқариш сигнали ёки берилаётган энергиянинг тўхташи билан ростлаш органини ёпувчи ижрочи қурилма.	
Бошқариш сигнали ёки берилаётган энергиянинг тўхташи билан ростлаш органини шу ҳолатда ўзгармас олиб қолувчи ижрочи қурилма.	
Қўшимча қўл юритмали ижрочи қурилма (Бошқариш сигнали ёки берилаётган энергиянинг узилишида ростлаш органи ҳолатини ифодаловчи дуч келган қўшимча белгиланиш қўлланиши мумкин)	
Ростлаш органи	
Боғланиш чизиғи	
Бир-бири билан уланмаган кесишувчи боғланиш чизиғи	
Бир-бири билан уланган кесишувчи боғланиш чизиғи	

ГОСТ 21.404-85 бўйича харфли шартли белгиланишлари; (5.3.-жадвал)

Белгиланиши	Ўлчанаётган катталиқ		Ўлчов асбоби бажарадиган вазифалар		
	Биринчи харфнинг асосий вазифаси	Биринчи харф вазифасини аниқловчи қўшимча вазифа	Ахборотни кўрсатилиши	Чиқиш сигналини тайёрлаш	Қўшимча вазифаси
A	-	-	Сигналлаш	-	-
B	-	-	-	-	-
C	-	-	-	Ростлаш бошқариш	-
D	Зичлик	Босимлар фарқи	-	-	-
E	Хар хил электр катталиқлар	-	-	-	-
F	Сарф	Нисбат, қисми	-	-	-
G	Ўлчам, ҳолат, силжиш	-	-	-	-
H	Аўлда таъсир кўрсатиш	-	-	-	Ўлчанаётган катталиқнинг юқори чегараси
I	-	-	Кўрсатиш	-	-
J	-	Автоматик ёқиб ўчириш	-	-	-
K	Вақт, вақт дастури	-	-	-	-
L	Сатх	-	-	-	Ўлчанаётган катталиқнинг пастки чегараси
M	Намлик	-	-	-	-
N	Резерв харф	-	-	-	-
O	Резерв харф	-	-	-	-
P	Босим, вакуум	-	-	-	-
Q	Сифатни, таркибни, концентрацияни ифодаловчи катталиқ	Вақт бўйича интегралловчи ва жамловчи	-	-	-
R	Радиоактив	-	Регистрация	-	-
S	Тезлик, частота	-	-	Ёқиш, ўчириш, сигналлаш	-

T	Температура	-	-	-	-
U	Бир нечта хар хил ўлчанаётган катталиклар	-	-	-	-
Y	Қовушқоқлик	-	-	-	-
W	Масса	-	-	-	-
X	Тавсия этилмаган резерв харф	-	-	-	-

- ГОСТ 21.404 —85 бўйича ўлчов асбобларини функционал белгиларини ифодаловчи қўшимча харфли белгиланишлар **(5.4.-жадвал)**

Номланиши	Белгиланиши
Сезгир элемент (бирламчи ўзгартиргич)	<i>E</i>
Масофага узатиш (оралиқ сигнал ўзгартиргич)	<i>T</i>
Бошқариш станцияси	<i>K</i>
Ўзгартиргич, ҳисоблаш функцияси	<i>У</i>


Айлананинг пастки қисмида позицион белгиланиш кўрсатилади (рақамли ёки рақам-харфли). Ушбу позицион белгиланишлар соддалаштирилган усулда назорат қилиш ёки ростлаш комплекти элементларини номерлаш учун, ёйиб берилган усулда комплектнинг алоҳида элементларини номерлаш учун ишлатилади.

Айлананинг тепа қисмидаги харфли белгиланишларнинг жойлаштириш тартиби қуйидагича бўлиши керак: асосий ўлчанаётган катталик белгиланиши; асосий ўлчанаётган катталиқни аниқловчи белгиланиш (керак бўлганда); Ўлчов асбоби функциясини белгиланиши.

Ўлчов асбоби функцияси бир асбобда бир нечта бўлганда, улар ҳам маълум кетма-кетликда жойлаштирилади.

Босимлар фарқини ўлчовчи, ёзиб борувчи ва автоматик ростловчи асбобни шартли белгиланишини қуриш мисоли 5.1. расмда келтирилган

Ўлчов асбобини шартли белгиланишларини кўрсатишда, ўлчов асбобининг ҳамма функционал белгиларини кўрсатилиши шарт эмас. Шартли белгиларнинг фақат ушбу чизмада ишлатилаётганларинигина кўрсатиш kifойадир. Масалан, кўрсатувчи ва ёзиб борувчи ўлчов асбобида кўрсатиш функцияси ишлатилмаётган бўлса, унда TIR ўрнига TR кўрсатилиши, PIR ўрнига PR кўрсатилиши керак.



21.3-расм. ГОСТ 21.404-85 бўйича ўлчов асбобларининг шартли белгиланишини ифодалаш принципи

Расм 5.1. Босимлар фарқини ўлчашга, регистрация қилишга ва автоматик ростлашга мўлжалланган ўлчов асбобини шартли белгиланишига мисол.

Сатхни сигналловчи асбобни шартли белгилашда, унинг сигналлаш блоки шкаласиз бўлса, контакт қурилма билан жихозланган бўлса, сигнал лампаси ўрнатилган бўлса, унда улар қуйидагича шартли белгиланадилар:

- а) LS — агар асбоб сатх ўзгаришини фақат масофадан сигналлашга, насосни ёқишга, ўчиришга ва блокировкашга мўлжалланган бўлса;
- б) LA — агар асбобнинг фақат сигнал лампалари ишлатилса;
- в) LSA — агар а) ва б) бандлардаги иккала функциялар ишлатилса;
- г) LC — агар асбоб сатхни позицион ростлашга ишлатилса.

ГОСТ 21.404 —85 бўйича сигнал ўзгартиргичлар ва ҳисоблаш қурилмаларини функционал белгиларини ифодаловчи қўшимча харфли белгиланишлар (5.5.-жадвал)

Номланиши	Сигнал тури
Сигнал тури: электр пневматик гидравлик Сигнал тури: аналогли дискрет	E P G A D

Автоматлаштириш ва ўлчаш воситаларини белгиланиши.

ГОСТ 21.404-85:

- ГОСТ 21.404-85 бўйича автоматлаштириш ва ўлчаш воситаларини асосий шартли белгиланишлари;
- ГОСТ 21.404-85 бўйича харфли шартли белгиланишлари;
- ГОСТ 21.404 —85 бўйича ўлчов асбобларини функционал белгиларини ифодаловчи қўшимча харфли белгиланишлар;

ГОСТ 21.404 – 85 бўйича ўлчов асбоблари ва автоматлаштириш воситаларининг графикли шартли белгиларининг ўлчамлари


ГОСТ 21.404 — 85 бўйича графикли шартли белгиланишларнинг ўлчамлари 5.6.-жадвалда келтирилган.

Графикли шартли белгиланишлар чизмаларда 0,5 — 0,6 миллиметрли чизиқлар билан бажарилади.

Белгиланиш ичидаги горизонтал бўлиш чизиғи ва уланиш чизиқлари 0,2 — 0,3 мм қалинликдаги чизиқлар билан чизилади.

Баъзи асосланган ҳолатларда ўлчов асбоблари ва бирламчи ўзгартиргичлар айлана ўрнига эллипс кўринишидаги белгиланишлардан фойдаланилади.

(таблица 5.6.)

Первичный измерительный преобразователь (датчик), прибор (контролирующий, регулирующий): базовое обозначение допускаемое обозначение Отборное устройство ””” Исполнительный механизм	
--	--

Регулирующий орган	
